
Мамлакатимизда “Зўравонликка қарши биргаликда курашамиз” шиори остида 25 ноябрдан “Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” кампанияси иш бошлайди

23 ноябрь куни Фурқат туманида туман ҳоқими бошчилигида сектор раҳбарлари, хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгаши аъзолари, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин қизлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, отинойилар иштирокида “Оилавий ажримларни олдини олиш”, жиноятчилик ҳолатларини келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш чораларини кўриш, оилалардаги нотинчликларни олдини олиш бўйича ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш каби масалалар юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда оилавий ажримлар, нотинч оилалар, шарий никоҳ кўрсаткичлари юқори бўлган маҳаллалар билан ишлаш мақсадида туман ишчи гуруҳи тузилиб, уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда “Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” кампанияси эълон қилинганлиги, мамлакатимизда “Зўравонликка қарши биргаликда курашамиз” шиори остида 25 ноябрдан “Гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” кампанияси иш бошлаши, туманда ўтказиладиган ушбу 16 кунлик ҳаракатларда йиғилиш иштирокчиларининг ҳар бири фаол иштирок этиши тўғрисида фикр юритилди.









2021-11-24 15:44:27